

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдон
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 38 (10.343)

2005 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ

XXI саҳоси
Барча маъбарлардан
олинган сўнги хабарлар

«Тошкентни Тошкент қиладиган, унга файзу тароват бағишлайдиган қадимий шаҳримизнинг даҳалари, маҳаллалари, дарвозалари десак, хато бўлмайди. Шу маънода, Эски шаҳар — қадимийлик, миллийлик тимсолидир».

Ислом **КАРИМОВ**

Бунёдкорлик соломаси



ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ ЯРАТИЛМОҚДА

Бугун буюк неъмат бўлган Мустақиллигимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида гап кетганида, мустабид тузум даврида ҳам халқимиз ўзигани намён этиш истак-хоҳишида бўлганини, лекин унинг бу салоҳияти бўғиб келинганини таъкидлашга тўғри келади. Истиқлол туфайли қайта кашф этилган, худди лойқа босиб ётган булоқ кўзларидек очиб юборилган қудратли куч — бу, халқимизнинг бунёдкорлик сало-

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан пойтахтимиз — Тошкентда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари алоҳида салмоқ ва кўламга эга.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серкуёш диёримизнинг бутун кўрк-у тароватини ўзида намён этадиган Ватанимиз остонасидир».**

Ватанимизнинг муқаддас остонаси — Тошкент, ҳеч муболағасиз, ҳозирги кунда тубдан ўзгарди, яшариб-яшнади, янгиланди. Бугун пойтахтимиз нақадар муъжизакор қиёфа касб этганини фақат самодангина тўла-тўқис кузатиш мумкин. Чунки, шаҳар ичида юрганингизда бу улкан ўзгаришларни дафъатан учқур ҳаёл билан ҳам қамраб олиш имкони йўқдай...

Бу ҳақда гапирганда, бевосита Юртбошимизнинг раҳбарлигида 2004 йилда пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида барпо этилган Сенат биносини алоҳида фахр ва ифтихор билан тилга оламиз. Ўзбек халқининг қадимий маданияти, шарқ ва ғарб меъморчилигининг энг мумтоз жиҳатларини ўзида мужассам этган бу бино, таъбир жоиз бўлса, ушбу майдоннинг гултожига айланди. Истиқлолимизнинг ўн уч йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси биноси ҳам шаҳримизнинг ҳуснига хусн қўшган бетакрор санъат обидаси бўлди. Бу ўзига хос ва бетакрор иншоотлар наинки ички маҳобати, мазмун-моҳияти, балки ташқи жозибаси билан ҳам ўзбек меъморчилигининг юксак намуналаридир. Пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг шаҳар ҳамда қишлоқларида олиб борилаётган бундай бунёдкорлик иш-

лари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимиз пойтахтида юз бераётган беқиёс ўзгаришлар нафақат ватандошларимизни, балки хорижий меҳмон-у сайёҳларни ҳам ҳайратга солмоқда. Германиялик сайёҳ жаноб М. Берталь ўз таассуротларини шундай изоҳлайди: «Самонётимиз ерга қўнаётган дақиқанинг ўзидаёқ Тошкент қандай гўзал шаҳар эканини кўриш мумкин эди. Биз Тошкентга анча қоронғи тушган пайтда келдик, атрофда электр чироқлари порлаб турар, кўчалар кенг, ёп-ёруғ эди. Айниқса, шаҳардаги боғлар, хиёбонлар, фавворалар мени ҳайратга солди».

Франциялик дипломат Жан Франсуа Легрен эса шундай дейди: «Тошкентда икки йилдан бери яшаб турибман. Ана шу икки йил ичида Ўзбекистон пойтахти киши кўз ўнгига гуллаб-яшнаб кетди. Замонавий архитектура кўҳна қурилиш мажмуасига кенг кириб бормоқда, қайта тикланган тарихий бинолар эса ўзининг асл қиёфасини сақлаб қолмоқда».

Бугун шаҳримизнинг барча худудларида олиб борилаётган бунёдкорликлар, янгиланишларнинг асл мақсади, аввало, аҳоли фаровонлигини ошириш, юрт ободлигини таъминлаш, Тошкентни жаҳондаги энг замонавий шаҳарлардан қилиш мақсади билан айланттиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Азим Тошкентнинг шундай муборак қадамжолари, обидалари, бетакрор манзилгоҳлари, улуг сиймолари борки, улар бутун мамлакатимиз, миллиятимиз учун том-маънода миллий уйғониш, маънавий ибрат ва маърифат намунаси бўлиб келади. Пойтахтимизнинг қадимий, бой тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган даргоҳлардан бири эса Эски шаҳар даҳасидир.

Ҳикоямиз сўнги йилларда Эски шаҳар худудида амалга оширилган ва қизгин давом эттирилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида.

Давоми 4-5-бетларда.



ҳиятидир. Халқимизнинг қурмоқ, яратмоқ шижоати нималарга қодир эканини мамлакатимизнинг бугунги жўшқин ҳаёти мисолида аққол кўриш мумкин.

Утган йиллар мобайнида Юртбошимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистон улкан қурилиш майдонида айланди. Ана шу бунёдкорлик кўламини биз юртимизнинг кун сайин чирой очиб бораётган шаҳарлари, туманлари, қишлоқлари, маҳаллалари жамолида кўриб, ҳис этиб турибмиз. Барпо этилган замонавий корхоналар, янги йўллар, маҳобатли кўприklar, меҳмонхоналар, уй-жой мажмуалари, боғ ва хиёбонлар, қайта қуриш ва ободончилик ишлари...

Таъбир жоиз бўлса, истиқлол йилларида Ўзбекистонда қурувчилик ва бунёдкорликнинг ўзига хос меъморий мактаби яратилди. Бу мактабнинг асосчиси, шак-шубҳасиз, Президент Ислом Каримовдир.

қизлар комиссиялари раислари иштирокида ўтказилган йилги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар муҳомадасига бағишланди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туман ҳокимлигида **БУГУН** туман фаоллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида бағишланган туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Ма-

ҳалла» жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан тадбир уюштирилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида талабаларнинг мазкур илм маскани раҳбарлари билан очик мулоқоти уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кун
Янгиликлар, воқеалар

Қиёфа
Сўнги хабарлар

● **БУГУН** Чилонзор туман ҳокимлигида туман фаоллари, маҳаллалар хотин-

Мамлакатимизда

● Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳокимлари ўринбосарлари ҳамда туман ҳокимларининг минтақавий семинар-тренинг бошланди. Иштирокчилар 10 кун мобайнида ҳозирги давр иқтисодий ислохотларининг асосий мазмуни ва бошқа масалалар бўйича фикрлашди.

● Кеча Республика Фанлар академияси Иқтисодий институтида «Фуқаролик форуми» лойиҳаси доирасида «Ўзбекистонда иқтисодий тизим трансформацияси ва рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятидаги касбунавар коллежлари Япония ҳукуматининг ва Осиё тараққиёт банкнинг лойиҳаси асосида жами 1 миллиард 200 миллион сўмлик жиҳозларни қабул қилиб олди.

● Эртага Тошкентдаги Замонавий санъат марказида «Аср тенгдошлари» номи кўرғазма очилади. Унда ўз вақтида мамлакатимиз санъати ривожига улкан ҳисса қўшган 10 та таниқли муассавирларнинг асарлари намойиш этилади.

● Булоқбоши туманидаги Жўраполвон ширкат ҳўжалигида жойлашган биологаторияда вегетация даврида деҳқонларга катта маблағларни тежашга имкон бермоқда. Хусусан, лабораторияда ўстирилган фойдали ҳашаротлар ўтган йилнинг ўзида пахтакорларга 22 миллион сўмини тежашга шароит яратди.

Жаҳонда

● Япония Ташқи ишлар вазирини Нобутака Мачимуро БМТ томонида Киото қарорининг кучга киритилганлиги муносабати билан баёнот берди. Унда қарорга қўшилган мамлакатлар атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олишда ўз зиммаларидаги мажбуриятларини тўла бажаришга чақирилди.

● АКШ Президенти Жорж Бушнинг Европа мамлакатлари бўйлаб сафари давом этмоқда. Кеча Президент Германия канцлери Герхард Шрёдер билан учрашди.

● Украина Президенти Виктор Ющенко НАТОга аъзо мамлакатлар саммитида қатнашиб, ўз мамлакатининг Шимолий Альянсга қўшилиши тарафдори эканлигини билдирди.

● Фаластин мухторияти бош вазирини Аҳмад Курей вазирликка номзодларнинг барчасини инкор қилди. У Вазирлар Маҳкамаси таркибига номзодларни ўзи тақдим қилишини таъкидлади.

● Чеченистонда Россия ҳарбийлариға қарши чечен айирмачилари томонидан уюштирилган ҳужум оқибатида беш нафар аскар ҳалок бўлди, уч нафари жароҳатланди. Уч нафар жангари йўқ қилинди.

Транспорт

ФАЙРАТ КЎРСАТИШМОҚДА

Оғир ҳажмли юкларни олис масофаларга етказиб беришни ўз зиммасига олиб меҳнат қилаётган «BK.Intrans» хусусий компанияси тadbirkorлари ўтган йилни муваффақиятли якунлашди.

Қорхонанинг моҳир транспортчилари томонидан 60 минг тоннадан зиёд халқ ҳўжалиги юклари оғир ҳажмли юкларни олис масофага етказиб беришга мўлжалланган «Мерседес-Бенц»ларда манзилларига етказилди.

— Жамоамизда 80 дан ортиқ юк ташиш транспорти мавжуд бўлиб, — дейди директор ўринбосари Абдуваҳоб Содиков. — уларнинг техник шайлига мўҳим эътибор қаратилади. Ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилаётган 100 нафар моҳир ҳайдовчиларимиз бюортмаларни ўз вақтида манзилларига бехатар етказишда куч-ғайрат кўрсатишмоқда.

Қорхона транспортчилари томонидан Муствақил Ҳамдўстлик, Болтиқбўйи давлатлари ҳамда Афғонистон, Эрон, Туркия сингари қўшни мамлакатларга юк ташилади. Шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга ҳам хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Айниқса, Раҳим Машрапов, Лутфулла Сайдаев, Зиёвуддин Тўлаев сингари тажрибали ҳайдовчилар бу борада фаоллик кўрсатишпти.

Транспортчилар жорий йилда юк ташиш ҳажмини оширишни, сифатли меҳнатлари билан бюортмачилар сафини кенгайтиришни кўзлашмоқда.

Ҳамкорлик

ТУРЛАРИ КЎПАЯДИ

Касал бўлганда саломатлигимизнинг қадрига етганимиз. Ана шунда шифокорнинг маслаҳати тавсия этган дори-дармонлари жонимизга оро қиради.

Ана шундай дори-дармон маҳсулотларининг ўзимизда тайёрланаётгани, уларнинг замонавий тиббиётнинг халқаро андозаларига жавоб бериши аҳоли саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашда мўҳим ўрин тутаяди.

Пойтахтимизда Сихат-саломатлик йилида фаолият бошлаган «Novopharma plus» қўшма корхонасида айни кунларда юрак-қон томир, нафас йўли, шамоллашга қарши ва бошқа дардларга даво бўладиган 20 турдаги препаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қорхонанинг ишлаб чиқариш цехларига АҚШ, Германия, Япония ҳамда Швейцария давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар ўрнатилган бўлиб, айни пайтда 100 нафар ишчи-зишматчи фаолият кўрсатмоқда.

Таъсисчилари «Ўзфармса-ноат» давлат акциядорлик компанияси ва Кипр давлатининг «Kaibria co Limited» компанияси бўлган қўшма корхонада келгусида 150 хилдаги дори-дармонлар тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ: ИСЛОҲОТ ВА АМАЛИЁТ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда судьяларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш соҳада амалга оширилаётган ишларнинг энг мўҳим йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Тошкент Давлат юридик институтида Юртбошимизнинг мазкур дастурий маърузаси ҳамда ҳукуматимизнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган кенгашда бу борада баён этилган хулоса ва қоидаларни ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида ташкилий-маърифий тadbirkor дастури ишлаб чиқилди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида эътибор берилаётир, — деди институт ректори, профессор Мирзаюсуф Рустамбоев. — Ўтган йиллар мобайнида бу тизимнинг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Ўтказилиши кўзда тутилган туркум семинарларда давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ ти-

зимини янада такомиллаштириш, демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқаролар эркинлигини тўла-тўқис таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бу соҳада кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, мавжудлари такомиллаштирилаётир. Хусусан, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида қўриб чиқилишини таъминлаш, фуқаролар шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кенгайтириш, судлар мустақиллигини таъминлаш юзасидан кенг кўламли иш олиб борилаётир.

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ

«Жамиятнинг демократик янгиланишида хотин-қизларнинг ўрни ва роли». Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотларининг пойтахтимизда ўтган анжумани мавзуси шундай аталади. У Республика хотин-қизлар кўмитаси, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Меҳр» бирлашмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Анжуманда хотин-қизлар — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, худудий хотин-қизлар кўмиталари раислари, хотин-қизлар ноҳукумат бирлашмалари раҳбарлари, тadbirkor аёллар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар ҳамда Қирғизистон ва Тожикистон хотин-қизлар бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Хотин-қизлар муаммоларини ҳали эшига қаратилган эътибор ҳар қандай давлат барқарорлиги ва салоҳиятининг асосий мезонидир, — деб таъкидлади Ўзбекистон Бош вазирининг раиси, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова. — Президент Ислам Каримов Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этилгандек, асосий стратегик вазифамиз — демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан қатъий, оғишмай боришдир. Бундай кенг кўламли ислохотларни мамлакатимиз аҳолисининг 50,1 фоизини ташкил этган хотин-қизлар иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли уларнинг жамиятдаги роли ва мақомини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ҳозир юртимизда қатор мақсадли давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари амалга оширилмоқда. Президентнинг 2004 йил 25 майданги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тadbirkorлар тўғрисида»ги Фармони бундай хайрли ишларнинг янада кенгайтиришда мўҳим омили бўлмоқда.

Нодавлат нотижорат тузилма — Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва унинг худудий бўлинмалари жойларда фаолият олиб бораётган турли йўналишдаги 200 дан ортиқ хотин-қизлар ННТлари билан бирга Сихат-саломатлик йилида оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оилани мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, хотин-қизларни иқтисодий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва давлат қурилишидаги иштирокини кучайтириш бўйича салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Бу ўз самарасини бермоқда. Масалан, иқтисодиёт соҳасида меҳнат қилаётган фуқароларнинг 44 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Таълим, маданият, илим-фан, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда эса бу кўрсаткич 70 фоиздан ошади. Аёллар миллатнинг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаш тақозо этиладиган интеллектуал салоҳиятидир.

Бу оми иқтисодиётнинг тикланишида мўҳим ўрин тутган тadbirkorлик соҳасида, айниқса алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистонда 20 мингдан ортиқ тadbirkor аёл фаолият юритмоқда. Улар томонидан қарийб 30 мингта қўшимча иш ўрни яратилган. Айни пайтда, бугун хотин-қизлар ННТларининг аёллар ўртасида кичик ва хусусий тadbirkorликни ривожлантиришга эътибори кам. Анжуман қатнашчиларининг «чиқаришда қайд этилдики, бундай ташкилотларнинг фаолияти, авваламбор, бандлик масаласини ҳали эшитиш, жумладан иш ўринлари яратиш, касаначилик ташкил этиш ва иш билан таъминланишнинг бошқа шакллари билан фойдаланишга қаратилиши лозим. Хотин-қизлар ўзлари маблаг ишлаб топишлари учун шaroит яратиш керак. Шундагина уларнинг ижтимоий фаоллиги, оила ва жамиятдаги роли янада ортади.

Республика хотин-қизлар кўмитаси ана шу мақсадда яқинда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан аёллар ўртасида тadbirkorлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қўшма чора-тadbirkorлар тўғрисидаги шартномани имзолади. Унга мувофиқ кичик ва хусусий бизнес корхоналарини кредитлаш тўғрисида янги низоми ишлаб чиқилмоқда, уларнинг маҳсулотлари кўргазмалари, энг яқши корхона танловлари, ўз бизнесини бошлашга қарор қилган хотин-қизлар учун семинарлар ва тренинглари мунтазам ўтказиб турилади.

Хотин-қизларнинг таълим даражаси ва касб малакасини ошириш, уларнинг сайланадиган вакиллик ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларида кенг иштирокини таъминлаш масалалари алоҳида эътибор талаб этади. Мамлакатимизнинг янги парламентида 2004 йил декабрда бўлиб ўтган сайлов натижалари хотин-қизлар сиёсий фаолияти ортанидан далолат беради. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг қарийб 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бу аввалги сайловлар якунларига нисбатан 2,5 марта кўпдир. Муқояса қилинг: АҚШда бу кўрсаткич 15 фоиз, Россияда эса 13 фоиздан ошмайди. Аёл-депутатлар қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этаркан, хотин-қизлар манфаатларини имкон қадар тўлароқ акс эттирувчи ва ҳимоя қилувчи қонунлари ишлаб чиқади ва қабул қилади.

Хорижий мамлакатларнинг хотин-қизлар бирлашмалари ҳамда инвестиция дастурларида қатнашишга тақлиф этувчи халқаро жамғармалар билан ҳамкорликни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Ўтган йил охирида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси дунёнинг етакчи мамлакатлари, жумладан Россия, АҚШ, Япония, Европа давлатлари хотин-қизлар ташкилотлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш тўғрисида музокаралар ўтказди. Қатор ло-йиҳаларни амалга оширишга кўмаклашаётган БМТ агентликлари билан алоқалар кенгайтирилди.

Анжуманда сўзга чиққан БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Люкке Андерсен, ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Мирослав Енча республика-мизда гендер тенглигини таъминлашда муайян ютуқларга эришилганини ва бу иш жадал сурбат касб этаётганини таъкидлади. Хотин-қизларнинг аҳолини янада яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХХТ томонидан республика ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилаётган кўплаб дастурларда ўз аксини топган.

Муҳомадан сўнг анжуман қатнашчилари қўйилган мақсадларга эришишга доир зарур чора-тadbirkorлар белгиланган резолюцияни қабул қилди. Анжуман давомида хотин-қизлар ташкил этган корхоналарда ишлаб чиқариш маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди. Ундан халқ истеъмоли моллари, амалий санъат буюмлари кенг ўрин олган эди.

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

қонунчиликнинг либераллаштирилиши, судларнинг ихтисослаштирилиши, апелляция суди инстанцияси, ярашув ва бошқа қатор демократик ҳуқуқий институтлар ҳамда мустаҳкам ижро механизми жорий этилгани эътиборга моликдир, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчиси Евгений Абдуллаев. — Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатга содиқлик ўз ифодасини топган мазкур қонунлар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Институтида мазкур дастурга мувофиқ ташкил этилган илк семинар «Дастлаб-ки тергов ва судга қадар иш юритиш устидан суд назорати» масаласига бағишланди. Унда «Суд ҳокимияти — фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик бўйича конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати», «Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи — умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёри», «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш устидан суд назорати: ҳуқуқий асослар ва шакллари, хориж тажрибаси» каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида барча жабҳаларда, жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқ соҳасидаги алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Бу борада Тошкент давлат юридик институти Япониянинг Нагоя университети билан самарали ҳамкорлик қилаётир. Мазкур институт ҳузурида Япон тили ва ҳуқуқи маркази очилгани бунинг яна бир далилидир.

ЯПОН ТИЛИ ВА ҲУҚУҚИ МАРКАЗИ

Шу муносабат билан ўтказилган тadbirkor бирда сўзга чиққан Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизими соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Қабул қилинаётган қонунлар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилипти. Бу йўналишда халқаро андозалар ва хориж тажрибасини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Янги марказ ана шу мақсадга хизмат қилади. Унда талабалар Кунчиқар мамлакат қонунчилигини ўрганиш, уни миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қиёсий таҳлил этиш билан шуғулланади. Япон тилини мукамал ўзлаштирган талабалар Япония университетларида таҳсилни давом эттириши мумкин.

Марказнинг очилиш маросимида Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

Б.НОРБОВЕР, ЎЗА мухбири

Алоқа

ЯНГИ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Хитойнинг жаҳонга машҳур бўлган «Шанхай Белл» компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган рақамли коммутиация асбоб-ускуналари харидорлиги билан ажралиб туради. Компаниянинг «С-12» ва «УВСД» русумли қурилмаларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда.

Бундай замонавий аппаратлар Тошкент Ахборот технологиялари университетига ҳам олиб келинди. Рақамли коммутиация тузилмалари учун жуда қўл келадиган бу хил техника воситалари олий ўқув юрти лабораторияларга ўрнатилди. Бу эса талабаларнинг рақамли коммутиация станцияларидан фойдаланишлари ҳамда техник хизмат кўрсатиш борасида амалий ишлар билан шуғулланишларида мўҳим таълимий аҳамият касб этади.

Бундай қулай имкониятга олий ўқув юртининг Хитойдаги Пекин почта ва алоқа ҳамда Шанхай технологиялар университети билан илмий ва амалий ҳамкорлиги тўғрисида эришилди. Тошкент Ахборот технологиялари университети лабораториялари янги техник воситаларга эга бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Санъат

ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари иштирокида "Дўстлик ва биродарлик" япон кўшиқлари фестивали ўтказилди.

Ушбу олий ўқув юрти талабалари иштирокида жаҳон халқлари маданияти, санъати, урф-одатлари билан янада кўпроқ танишиш мақсадида турли-туман талбирлар ўтказиб келинмоқда. Шу жумладан, япон тилини ўрганувчи талабаларнинг қизиқишини уйғотиш ҳамда уларнинг истеъдодини аниқлаш йўлида мазкур фестиваль ташкил этилиб, унда юртимизда ўз фаолиятини олиб бораётган 30 дан орტიқ япониялик ўқувчилар ҳам иштирок этишди. Талабалар ўртасида Канжи (иероглиф) ёзиш, ушбу мамлакатда "Сўзлашиш маданияти қандай?", "Япониядаги энг кўп тираждаги газеталар қайси?" каби мавзулар бўйича қизиқарли викториналар ҳам ўтказилди. Ўзбекистон ва Япония ёшларини бирдамликка чорловчи бир-бирдан антиқа кўшиқлар хиргойи қилинди. Айниқса кунчиқар мамлакатнинг миллий ва замонавий услубда куйлайдиган "Снемп" гуруҳи кўшиқлари талабаларга ёқиб тушди.

— Тил ўрганаётган талабаларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор билан ёндошамиз. Энг қийин тиллар сирасига кирувчи япон тилини ўрганишни кучайтириш, умуман, ушбу мамлакат ҳақидаги талабалар тасавурларини кенгайтириш, билимларини чархлаш мақсадида ташкил этилган фестивалда биринчи курсдан тўртинчи курсгача бўлган талабалар иштирок этишди. Улар орасида кунчиқар мамлакатда сафарда бўлган иқтидорли талабаларимиз ҳам бор. Уларнинг бошқалар билан ўзаро билимларини алмашишлари учун фестиваль яхши имконият яратди, — дейди биз билан суҳбатда япон тили ўқитувчиси Баҳора Насимова.

ЭСТРАДАДА ЯНГИЛИК

Шоу-бизнес олами доимо янгиликлар билан бойиб бориши барчамизга аён. Айниқса, эстрада йўналиши бўйича юртимизда тобора янги-янги номлар, истеъдод эгалари камф этилмоқда.

Хусусан, замонавий эстрада йўналиши бўйича ўз фаолиятини олиб боровчи "Сетора" гуруҳи учлиги ўз номини ўзгартирди. Куни кеча ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу гуруҳнинг эндиликда "Сен танҳо" номи остида ижод қилиши кўзда тутилмоқда. Бунга асосий сабаб, "Тарона рекордс" компанияси томонидан уларга яққохон ижорчи бўлиш таклифи тушган. Лекин, собик "Сетора" эстрада гуруҳига бу таклиф тўғри келмаслигига матбуот анжуманида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Юлдуз УСМОН

Оғир саноат

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасида хусусий сектор улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا асосан Тошкентдаги «Компрессор» очик турдаги акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув жорий этилди. Жумладан қузатув кенгаши корхона раҳбарига тобе бўлмаган хиссадорлар орасидан сайланди. Корхона хиссадорларининг умумий йигилишида тасдиқланган бизнес-режа асосида иш юритила бошланди.

Тошкент «Компрессор» заводи ўзининг 60 йилдан зиёд фаолияти давомида Ўрта Осиёда катта тажрибага эга корхоналар қаторидан ўрин олган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган компрессор ускуналари ва кенг турдаги филтёрлар ўзининг сифати ҳамда тайёрлашни мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради. Завод мутахассислари кўп йиллардан буюн чет эл фирмалари ва сармоядорлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, улар тажрибасини ҳам амалда қўллашмоқда.

Бизнес-режа асосида айна пайтда «Компрессор» очик турдаги акциядорлик жамияти негизида «Осиё-Компрессор-Филтёр» ва «RFN Kompressor-Filter» Ўзбекистон — Америка қўшма корхоналари ташкил этилди. Улар республика ҳукумати қарори асосида тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастурини бажаришда фаол катнашмоқда. Ҳозирда корхонада махсус компрессор агрегатларининг илк туркумлари Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бюуртмасига кўра ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу замонавий қурилмалар германиялик ҳамкорлар билан биргаликда яратилмоқда. Уларнинг ёрдамида юқори самарали компрессор қурилмаларини

ишлаб чиқаришга эришилди. 2005 йил корхонада шундай винтли компрессорларнинг 60 донасини тайёрлаш режалаштирилган.

Шу ўринда заводнинг ўнг қаноти ҳисобланган «Осиё-Компрессор-Филтёр» масъулияти чекланган жамиятига алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳозирда бу ерда 50 хилдаги филтёрлар тайёрланмоқда. Автомобиль, трактор ва махсус техникалар учун зарур филтёрлар ҳар доим ички бозоримизда ўзининг истеъмолчиларига эга. Корхона Германиянинг илгор технологиялари ва юқори сифатли немис ускуналари билан жиҳозланган.

Айна пайтда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси заводнинг асосий бюуртмачиларидан ҳисобланади. 2004 йил маҳаллийлаштириш дастурига асосан 85 минг та ана шундай филтёр элементлари ишлаб чиқарилди. Жорий йилда эса 120 минг дона филтёрлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, корхонада ВР-8/2,5; ВП-0,5/0,7 маркали ратарли компрессорлар ҳам тайёрланмоқдаки, бу махсуслотлар ўзининг кўпга чидамлилиги, мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Бюуртмачи талабига кўра бу ерда компрессорлар

салазкали ёки филдиракли қилиб тайёрланади.

Завод қошида ташкил қилинган янги «RFN Kompressor-Filter» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида ички ёнув двигатели автоматшарлар учун мой филтёрларининг тўлиқ мажмуаси ишлаб чиқарилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакики, илгари бундай филтёрлар мамлакатимизга четдан келтириларди. Ҳозирда корхонада тайёрланаётган филтёрлар ўзининг юқори сифати ва рақобатбардошлилиги билан ички бозоримизда ўзининг муносиб ўрнига эга.

«RFN Kompressor-Filter» қўшма корхонасига жанубий Кореядан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди ва дастлабки ойда бу ерда 3 минг дона филтёр элементлар ишлаб чиқарилди. Йил мобайнида эса бу кўрсаткич 50 минг донага кўпайтирилади.

Келгусида ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириб, компрессор ускуналар ишлаб чиқаришни 250 донага, филтёр элементлар сонини 500 минг донага етказиш режалаштирилган. Айна пайтда корхона ўз махсуслотларини МДХ давлатларига экспорт қилмоқда. Жорий йилда эса корхона экспорт шартномаларини тўлиқ шакллантирди. Корпоратив бошқарув самараси жамoa мисолида ёрқин намoён бўлди. Бошқарувнинг бундай услуби қўшма корхоналар очиш ва сармоёларни жалб этиш имкониятини яратди. Маънавий эскирган ва ишлаб чиқаришга жалб этилмаган асбоб ускуна, бино, иншоотлардан тўлиқ фойдаланиш шартшароитларини яратди.

Шоислом ШОМАНСУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиш академияси «Олий
бизнес мактаби» тингловчиси

ЯНГИЧА УСУЛЛАР

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «СИЗ ва СИЗОД махсус кийимлари билан таъминлашнинг янгича усуллари» бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Шахсий химоя, нафас йўли органларининг замонавий химоя воситалари, мамлакатимиздаги турли вазирликлар, давлат кўмиталари ва агентликлари учун махсус кийимлар билан таъминлаш масалаларига бағишланган мазкур анжуман Россиянинг тўртта компанияси томонидан ташкил этилди.

Янгиликлар, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вакиллари, Россия Давлат стандарти ва Савдо-саноат палатаси томонидан таъсис этилган шахсий химоя воситаларини ишлаб чиқарувчилар уюшмасига аъзо корхоналар раҳбарлари саноат корхоналарини таъминлашда янги усуллари жорий этиш — корхона ишчиларини химоялаш сифатини ошириш, ишлаб-чиқаришда шикастланишни камайтириш ҳамда касбу-кор касаллик-

ларини қисқартиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Айниқса, Ўзбекистон корхоналарида соҳага оид янги стандартларни жорий этиш масаласи бўйича мунозаралар ниҳоятда қизиқарли бўлди. Шунингдек, семинар билан бир вақтда очилган «Сорбент» корхоналари гуруҳи томонидан ишлаб чиқарилган фавкулда ҳодисаларда одамларнинг шахсий химоя воситалари намойиш этилган кўرғазма ҳам иштирокчи-

ларда катта таассурот қолдирди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ваколатхонаси очилган «ТехИмСнаб» МЧЖ ҳар икки мамлакатнинг минтақаларидаги саноат корхоналари ва ижтимоий соҳа объектлари учун ишончли шерикдир. «ТехИмСнаб» бюуртма асосида саноат корхоналари ҳамда ижтимоий соҳа объектларига материал, асбоб-ускуна ва махсус кийим-кечаклар етказиб беришга ихтисослашган. Базан фирма фақат битта корхона учун мингдан зиёд турдаги, яъни миҳдан тортиб металлпрокатгача, авто ортиш машинасида тортиб кўтарма крангача бўлган ашё ва асбоб-ускуналар етказиб беради.

Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА,
«Туркистон-пресс»

Маълумки шу йилнинг 10 февралдан бошлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан пойтахтнинг барча туманларида «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик-танловининг дастлабки туман босқичлари ўтказилиб келинмоқда.

МАҲАЛЛАНING НАМУНАЛИ ҚИЗИ

Маҳалла ёшларида оила, маҳалла ҳақидаги тушунчаларни тўғри шакллантириш, уларни оилавий турмушига қўмаклашиш мақсадида ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов Ҳамза туманида ҳам бўлиб ўтди. Кўрик-танлов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳомийлиги остида ўтказилиб, унда тумандаги ҳар маҳалладан 16-18 ёшдаги биттадан қиз иштирок этди. Иштирокчилар олдига беш шарт қўйилган бўлиб, қизларнинг ҳар бир шарт

бўйича маҳорати ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Кўрик-танлов шартларининг барчаси иштирокчилардан чуқур билим ва зўр истеъдод эгаси бўлишни тақозо қилди. Чунончи, «Мазали таом тайёрлаш менинг бурчим» ҳамда «Хонадон фариштаси» шартлари иштирокчилардан моҳир пазанда ва намунали уй бекаси бўлишни талаб этса, «Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантира олиш» мавзудидаги шартда уларнинг турли ва қўтилмаган оилавий вазирятлардан чиқа олиш бо-

расидаги эпчилиги бош мезон қилиб олинди. Қизлар эркин мавзу бўйича ўзларининг санъаткорлик қобилиятларини намoён этдилар.

Ҳамза туманида ўтказилган кўрик-танловнинг мутлақ ғолибаси этиб «Иноғом Юнусов» маҳалласидан Гулчехра Алиева топилди ва шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

«Маҳалланинг намунали қизи» кўрик-танловининг шаҳар босқичи март ойида ўтказилади.
Наргиза УМАРОВА
«Туркистон-пресс»

Маънавият

ИЗЛАНИШ НАТИЖАСИ

Республика «Фан ва технология» нашриёти ўз китобхоналарини яна бир қизиқарли адабиёт билан мамнун қилди. «Кудукларнинг бурғулаш соҳаси атамаларининг русча-ўзбекча луғати» деб номланган мазкур янги нашр Тошкент Давлат техника университети бир гуруҳ олимлари самарали изланишлари натижасида юзага келди.

Республикамизда биринчи марта чоп этилган бу луғат элликдан ортиқ босма табоқдан иборат бўлиб, унда пармалаш жараёнларида энг кўп қўлланиладиган турли қурилма, агрегат ва техник жиҳозлар номларига изоҳлар берилди.

Кириал ва лотин алифбосида нашр этилиши бу луғатдан умумий фойдаланиш имконини беради. Айна вақтда китоб назарий ва амалий жиҳатдан яхши тартибга солинган нашр сифатида ҳам қимматлидир.

Ақбар АЛИЕВ



Давоми. Боши 1-бетда

Эски Жўвада бир табаррук маскан бор. Мана, бир асрдан ошдики, у одамларга маърифат, зиё улашиб келади. У нафақат Эски шаҳар аҳли, пойтахтликлар, балки бутун мамлакат зиёлилари яхши биладиган, интиладиган, кўҳна «Турон» кутубхонасидир. Бу кутубхонага кириб Тошкент ва унинг тарихига оид китоблар, қўлёзмаларни varaқлар экансиз, Эски шаҳарнинг юртимиз ҳаётида қанчалик муҳим роль уйнаганини, бу ердан етишиб чиққан не-не алломалар халққа сидқидилдан хизмат қилганининг гувоҳи бўласиз. Кутубхонанинг ўзи юз йиллик тарихга эга, лекин унинг нодир китоблари минг йиллик ўтмишимизнинг кўзгусидир. Чунки, бу ердаги манбаларда Шайх Хованд Тоҳур, Туркистон ва Хуросонда пиру муршид мақомига кўтарилган Хожа Аҳрор Валий, қасидачиликда шухрат таратган шоир Бадриддин Чочий, ҳазрат Навоий ўз таъкирасида меҳр билан тилга олган истеъдод соҳиби Аълоий Шоший, муаррихлардан Банокатий, Хофиз Кўҳакый, Абубакр Шоший, Мирза Олим Тошкандий, Ермухаммад Тошкандий ва бошқа улуг зотлар ҳақида қизиқарли ва ноёб маълумотларни учратиш мумкин.

XX аср бошларида жаҳидчилик ҳаракати қўллаб буюк сиймоларни фаолият майдонига чиқарди. Бу жиҳатдан ҳам Тошкент янги замон маърифати жаҳасида етакчи ўринда туради. Биринчи жаҳид муаллимлардан адиб, муҳаррир, маърифатчи Абдулла Авлоний ва Абдулла Алавийни ким билмайди? Туркистон халқ дорилфунунини таъсис этишда жонбозлик кўрсатган алломалардан бири Мунаввар Қори Абдурашид-хонов, ўзбек романчиликнинг асосчиси Абдулла Қодирий, Тўчи Хофиз, Маннон Уйғур, Аббор Хидоятлов, Ойбек, Гафур Фулом, Юнус Ражабий, Яхё Фуломов каби неча ўнлаб машҳур адиблар, санъатқору олимлар ҳам шу заминда туғилиб, билим олиб, ўзларидан ўлмас мерос қолдирдилар.

Узининг 2000 йиллик тарихида бу кўҳна шаҳар жуда кўп зиддиятли воқеа ва ҳодисаларни бошидан кечирди.

«Тошкентнинг бошига не-не синовлар, қулфатлар тушмади. У араб истилоси бўладими, мўғул босқини, шимолдан келган ганимлар тажовузи бўладими — барчасига мардона қарши қурашди. XIX асрининг иккинчи ярмида чор Россияси хужумига биринчи бўлиб кўксини қалқон қилган ҳам, жабрини тортган ҳам мана шу Тошкентимиз ва унинг мард ва жасур халқи бўлди. Қисмати нечоғли оғир бўлмасин, бу шаҳар доимо зулм ва истибодга қарши курашнинг, миллий озошлик ҳаракатининг бешиги бўлиб келди...»

Президентимиз таъриф берган бу воқеалар ҳақида сўз юритар экансиз, ана шу курашнинг олдинги сафида Эски шаҳар ва унинг аҳолиси борган десак, тўғри бўлади.

Маълуми, Эски шаҳар Тошкентнинг шимолий гарбидаги ҳудудни қамраб олган тарихий қисмидир. XIX асрда Тошкент Туркистоннинг йирик шаҳрига айланганда, Эски шаҳар майдони 1,5 минг гектарга тенг бўлган. Маъмурий жиҳатдан Эски шаҳар тўртта — Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур даҳаларига бўлинган, атрофи девор билан ўралган қўрганон иборат эди. Қўрганонга ўн икки дарвозадан кириб чиқиларди.

Чор истилосидан сўнг янги шаҳар бунёд этилиб, у Тошкентнинг жанубий қисmini эгаллайди. Мустанлакчилик сиёсати натижасида миллий кадриятларимиз, моддий ва маънавий ёдгорликларни оёқости қилиш бошланди. Янги бинолар қуриш, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар асосан шаҳарнинг европаликлар яшайдиган Янги шаҳар қисмида амалга оширилди. Эски шаҳар эса узоқ йиллар эътибордан четда қолди. Бу ерда ободончилик ишлари мутлақо олиб борилмади, турар-жойларнинг санитария аҳоли аянчли даражада, кечалари қоронги, кўчалари ёзда чанг, куз ва қишда лойга ботиб ётар эди.

Қизик бир мисол. 1913 йилда Тошкентда водопровод қуриш тўғрисидаги биринчи лойиҳа тузилади. Ушбу лойиҳага кўра бир кеча-кундузи сув сарфи Тошкентнинг Янги шаҳрида истикомат қилувчи аҳоли учун 120 литр этиб режалаштирилган бўлса, Эски шаҳар аҳолиси учун 24 литр мўлжалланган эди.

Шу тариқа, чор Россияси амалдорлари шаҳарнинг ички қисмидаги

аҳоли орасида зиддият юзага келтириш, одамлар турмушидаги тафовутларни янада кучайтириш, маҳаллий аҳолини очикдан-очик камситишга қаратилган сиёсат олиб борганлар.

Минг афсуски, Эски шаҳарга бўлган бундай муносабат, аянчли аҳвол совет даврида ҳам ўзгармади.

90-йилларнинг бошларида собиқ иттифоқ боши берк кўчага кириб, «қизил империя» жон талласасида тўлғонаётган, митингбозлик, сафсатбозлик авжга чиққан пайтларда мамлакатимиз раҳбари сифатида энди иш бошлаган Юртбошимиз мутасаддиларни ёнига олиб, Эски шаҳарнинг тор, эгри-бугри Зарқайнар кўчасидан Эски Жўвагача пиёда айланиб, мавжуд аҳвол билан танишади, бу ердаги кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ечиш тўғрисида топшириқ беради. Чорсу бозорида дарҳол шов-шув тарқалади: «Ислом Каримов Эски шаҳар кўчаларида пиёда юрган эмиш! Эски шаҳар қайта қурилармиш...». «Бутун бошли империя кунпая-кун бўляпти-ку, Эски шаҳарни қайта қуриб бўладими?! Ҳазилини қўйсанг-чи, биродар!»

— Халқ орасида шундай гаплар бўлган эди, — деб эслайди Эски шаҳарлик меҳнат фахрийси Анавар Қобулов.

Дарҳақиқат, Президентнинг бу ташаббуси ўша кезларда кўпчиликка афсонадек туюлган эди. Чунки, Эски шаҳар ўз номи билан эски, яъни пуртурдан кетган эди. Эскини эпачага келтиргунча эсинг кетади, деган гап бежиз айтилмаган, ахир.

да пасткам қулбалар ўрнида замонавий, гўзал иморатлар, раvon ва кенг йўллар барпо этилди. Эски шаҳарда истикомат қиладиган аҳолининг катта қисми янги уй-жойлар билан тавминланди.


Арава ҳам юра олмайдиган тор кўчалар ўрнида кенг, раvon, асфальт йўллар, улкан кўприклар, шинам тураржой бинолари, тиббиёт шохобчалари ва аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилди. Газ, водопровод, телефон, канализация ва бошқа коммуникация тармоқлари барпо этилди.

Агар Эски шаҳарнинг 90-йиллар бошидаги қиёфаси ва бугунги ҳолатини таққосласангиз, ер билан осмонча фарқ борлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Эски шаҳар Тошкентнинг узоқ тарихининг узвий бир бўлаги экан, унинг эртанги кунини ҳам аънаво билиб олиши керак. Президентнинг ана шу гоёси бугун амалдаи и бош режада ўз масканнинг, таъбир жоиз бўлса, тарихий, маънавий қиёфасини асраб қолишда асос қилиб олиниди.

«Тўғри, пойтахт албатта замонавий бўлиши керак. У давр билан ҳамқадам, ҳамнафас ривожланиши керак. Лекин, шу билан бирга, ҳаётимизни тўлдирадиган, бойтадиган, узга маъно-маъмур бахш этадиган тарихий кадриятларимизга содиқ қолиш, уларни асраб-авайлаш, янги авлодларга бешикхаст етказиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.»

ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ ЯРАТИЛМОҚДА



Қолаверса, шундай таҳликали, қалтис бир пайтда янги раҳбарнинг бу ҳудудда йиллар давомида тўпланиб келган оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳақида бош қотириши, уларни ечишга қарор қилиши, очниги, қўпчиликнинг ҳаёлига сиғмас эди. Боз устига, масаланинг ана бир ноъзик томони бор эди: ўша пайтларда кўҳна қадамжолар вайрон этилиб, буюк боболаримизнинг азиз номлари топташиб, «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби бўҳтонлар Марказда астойдил қўллаб-қувватланаётган кезлар эди. Пойтахтни қайта қуриш у ёқда турсин, ҳатто битта кўприк барпо этиш учун ҳам Москвадан рўхсат сўраш шарт эди. Демак, Ислом Каримов ўша пайтда фақат Эски шаҳарни эмас, балки миллатнинг шаррафи ўтмишини, ор-номусини, истиқлолга интилишини тиклашга бел боғлаган эди, десак, муболага бўлмайди.

Ўз озошлигини эндиғина кўлга киритган ёш давлат қанчалик оғир синовларни бошидан кечириши мумкинлигига ҳаммаиз гувоҳмиз. Лекин биз битта фўқор сифатида гувоҳмиз, мамлакат тақдири учун жавоб берадиган раҳбар эса шунчаки гувоҳ бўлмайди, балки барча масъулиятни ўз зиммасига олади: давлат тизимини шакллантириш, тинчликни сақлаш, чегара хавфсизлигини таъминлаш, замонавий талабларга жавоб берадиган Куролли Кучларни барпо этиш... Эҳ-ҳе, мустақил Ўзбекистон олдида турган долзарб муаммоларни оддий кузатувчи сифатида бир-бир санаб чиқсак ҳам саҳифа тўлади. Қават-қават муаммолар залворни остиди ҳам эл манфаатини ўйлаб бошланган ишларни изчил давом эттириш учун қанчалик сабот-мағонат керак.

«Хўш, ўтмишда қўллаб бало-қазоларни бошидан кечирган жасур халқ замонавий цивилизация нзматларидан баҳраманд бўлиб, инсоний ҳаёт кечиришга ҳақли эмасми?»

Эски шаҳар ҳақида гап кетганда, масалани биринчи бўлиб, шу тариқа кўндаланг кўйган жасур инсон ҳам Президент Ислом Каримов бўлди.

«Эски шаҳар деганда, биз аввало, нималарни тасаввур қиламиз? Уйлаймики, аввало, шу ҳудудда яшайдиган аҳолининг оғирини енгил қилиш, шу даҳаларни ободонлаштириш, одамларга муносиб турмуш шартини яратиш беришдек муҳим вазифалар кўз ўнгимиздан ўтмасин.»

Юртбошимиз бу масалани давлат сиёсатининг устувори йўналиши деб баҳолади. Орадан кўп ўтмай, у киши имзо чеккан «Тошкент шаҳарининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Шу тариқа, Эски шаҳар улкан бунёдкорлик ва қурилиш майдонига айланди. Ўтган қисқа муддат ичида лойиҳачилар, қурувчилар, йўлсозлар, транспортчилар бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиши натижаси-

Шу мақсадда Эски шаҳарнинг жонли тарихи бўлган Сағбон, Корасарой, Форобий, Зарқайнар маҳаллаларининг қинғир-қийишқ йўлакчалари, кўрмисиз, тор кўчалари кенгайтирилди, транспорт ва пиёдалар қатнови учун кулай шароитлар яратилди. Раvon, кўп қаторли, озода, чарогон кўчалар қурилишида йўлсозликнинг энг замонавий андозалари амалиётга татбиқ этилди. Баъзи катта йўллар ва кўприкларнинг фойдаланишга топшириш тантаналарида Юртбошимиз шаҳсан иштирок этди. Бу албатта Президентимизнинг Эски шаҳар аҳлига бўлган ҳурмат ва эътиборининг ёрқин ифодасидир.

Ачаобод маҳалла қўмитаси оқсоқли Хайрулла Ҳикматов шундай дейди: — Ёдимда, 1995 йилнинг охири — 1996 йилнинг бошлари эди. Ўша пайтлари Эски Жўва ҳудудига яқин Сағбон, Форобий, Корасарой кўчалари тангу торлиги, қатновнинг қийинлиги билан кишини хуноб қиларди. Юртбошимиз бу жойни келиб қўрганан сўнг вазият бутунлай ўзгарди. Янгилигимсам, Эски Жўва ҳудудида хайрли ишлар ана шундай бошланди. Кейинчалик Собир Раҳимов туманида йирик объектларни қуриш, эски, талабга жавоб берайдиган иншоотлар ўрнига янги, шинам, замонавий биноларни бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди...

Президент ҳар гал Эски шаҳарга келар экан, албатта янги-янги тақлифларни ўртага ташлайди. Жўмладан, ҳудудда коммуникация тармоқларини ўтказиш, болалар боғчалари, мактаблар, касалхоналар, спорт масканлари ва бошқа маданий-маиший иншоотлар қурилишини босқичма-босқич, изчил давом эттириш тақлифни олға суради.

Шу асосда сўнгги йилларда Эски шаҳарда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қўллаб маиший хизмат шохобчалари ишга туширилди. 300 дан зиёд хотин-қизларни иш билан таъминлайдиган улкан «Сағбонтекстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, 20 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш имконига эга бўлган 42-сонли оилавий поликлиника, «Истеъдод» ёшларни интеллектуал ривожлантириш маркази ҳамда маҳалла ёшлари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш, машгулотлар олиб боришга мўлжалланган спорт жамуаси, Форобий кўчасидаги оилавий шифохона, 60-болалар боғчаси ва бошқа жуда қўллаб оёқлар фойдаланишга топширилди. Булардан ташқари, туманда янги барпо этилган учта болалар боғчаси, тўртта стадион, ўн иккита маҳалла гузари, иккита чойхона, бешта маросимлар уйи ва маънавият-маърифат масканлари аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Зарқайнар кўчасида фойдаланишга топширилган икки қаватли, 80 ўринли болалар боғчаси кичкинотлир учун ҳақиқий совға бўлди.

— Бундай фамҳўрликдан ота-оналар ҳам, биз ҳам беҳад хурсандмиз, — дейди боғча мудираси Хумора Асқарова. — Боғчанимизнинг эски бино-

си жуда ночор аҳволда эди. Гўёки фарзандларимиз XIX асрдан сакраб XXI асрга тушиб қолдилар. Чунки, янги қурилган боғча энг замонавий лойиҳа асосида барпо этилиб, болаболаларга таълим-тарбия бериб, воёга етказиш учун барча шароитлар яратилган.

... Албатта, Эски шаҳарни бозорсиз тасаввур этиш қийин. Эски Жўва бозори ҳам шу ерлик аҳоли ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, қадимда Тошкент шаҳарининг барча дарвозалари орқали ўтган йўллар Эски Жўва бозорига олиб келган. Афсуски, ана шундай аҳамиятга эга бозор ва унинг ҳудуди ҳам узоқ йиллар эътибордан четда қолиб келди.

Бу масалани ҳам биринчи бўлиб Президентимиз кўтарди. Аввало бозор қиёфасини бузадиган, бугунги кун талабларига жавоб берайдиган, бошқача айтганда, «қўлбола усул»да қуриб олинган, паст-баланд, майда-чуйда дўкнчлар, ошхона ва қаҳвахоналардан воз кечиш кераклиги, уларнинг ўрнида пухта режа асосида меъморий аъналаримизга жавоб берадиган қурилишларни амалга ошириш вазифасини ўртага қўйди. Шу тариқа янги лойиҳалар устида ишланди. Натижада кейинги йилларда Эски Жўва бозорининг кўрениши ўзгарди бормоқда. Бир неча мисолларни айтиб ўтайлик. Ўтган йили бозор ҳудудида 560 ўринли кийим-кечак сотиладиган дўкнчалар қад ростлаган бўлса, яқинда 220 ўринли миллий либослар растаси фойдаланишга топширилди, гўшт маҳсулотлари шохбаси ёнида қовун-тар-

малар берди. 2005 йилнинг январь ойида эса, тегишли раҳбарлар ҳамда мутахассислар иштирокида шу масала юзасидан уч маротаба махсус йиғилиш ўтказди, лойиҳалар билан танишиб, фикр-мулоҳазаларни эшитди. Эски шаҳарни қайта қуришдан кўзланган асосий мақсад ҳақидаги ўз қараш ва тақлифларини баён этар экан, Президент, жўмладан, шундай деди: **Биринчидан**, Эски шаҳар Тошкентнинг машҳур тарихий маркази бўлган, шаҳар пойдевори шу жойдан бошланган. Пойтахтимиз ўтмишига аҳтиром маъносиди ҳам Эски шаҳарни тиклаш бизнинг тарих олдидаги бурчимиздир.

Иккинчидан, Эски шаҳар узоқ йиллар мобайнида эътибордан четда қолдирилди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин ҳам, кейин ҳам бу ерда даярли ҳеч нарса ўзгармади. Хатто 1966 йилги зилзиладан кейинги ўзгаришлар ҳам шаҳарнинг бу қисмида дахлдор бўлмаган. На шаҳарсозлик, на ободончилик масаласида бирин-бир жиддий ишга қўл урилган.

90-йилларнинг охирида Сағбон ва Корасаройдан ўтган магистрал йўллари қурилиши амалга оширилди. Шундан кейингина Эски шаҳарнинг тарихий қисмида ўзгаришлар бошланди. Кейинги йилларда бу мавзедоги хунук кўренишлар қисман ўзгартрилди. Бирок кўприклар, йўллар қурилгани, газ келгани билан, очик айтиш керак, бу ердаги аҳвол тубдан ўзгармади. Биз Эски шаҳар аҳолиси олдида қарздормиз. Бинобарин, бу масалага алоҳида эътибор бериш, бошланган ишларни янада жадаллаштириш, янги босқичда давом эттириш, замонавий талаблар асосида ободонлаштириш керак. Бу ўзгаришлар пойтахтимиз Тошкентнинг чеҳрасига, умумий қиёфасига мос бўлимоғи лозим.

Учинчидан, бозор Шарқда азалдан ҳаёт даражасининг кўзгуси бўлиб келган. Шу маънода, Эски Жўва бозорида бир йил олдин бошланган қайта қуриш ва ободонлаштириш ишларини давом эттириш даркор. Бунинг учун бозор фаолиятини тубдан яхшилаш керак. Бу — Тошкентнинг асосий бозори. Бозор кўнларини ҳисобга олсак, бу жойда ўртача 200-250 минг одам тўпланади. Шу боис биринчи галда, бозорнинг бир мезёнда ишлаши тўғрисида ўйлашимиз зарур. Унинг таркибидаги инфраструктуралар одамларнинг талабига жавоб берадиган бўлсин. Яъни, авваламбор, транспорт, йўл, санитария муассасалари ишини яхшилаш, сотувчилар учун янги расталар, пештахталар қуриш, харидорларга қулай шартини яратиш каби долзарб масалаларга аҳамият бериш керак.

Маълумки, бозорга одамлар фақат савдо ёки харид учун бормади. Бу маскан, аввало, мулоқот, сўхбат, учрашувлар жойидир. Эски Жўва бозорида ана шу шарқона аъна бундан кейин ҳам сақланиб қолиши учун бош қотиришимиз керак.

Тўртинчидан, Эски Жўва майдони атрофида транспорт ҳаракати ниҳоятда тирбандлигига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Қиш, ёз пайтлари бу ердан ўтиб бўлмайди. Шу сабабли транспорт қатнови масаласини оқилона ҳал қилиш лозим.

Экология масаласида ҳам бу ерда талай муаммолар мавжуд. Бу жойларнинг ҳавоси оғир, айниқса, ёзда, кун иссиқ пайтларда шу томонга қарасангиз, уйлар қандайдир ғубор ичида қолиб кетганга ўхшайди. Бу масалани ечиш бўйича ҳам аниқ чораларни амалга ошириш зарур.

Бешинчидан, Эски Жўванинг ўзига хос файзли, тарихий муҳитини тиклаш зарур. Шу атрофда жойлашган меъморий обидаларни таъмирлаш, пала-партиш қуриб ташланган турли майда-чуйда дўкнчаларни олиб ташлаш, ҳудуднинг санитария ҳолатига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Олтинчидан, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғини реконструкция қилиш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш керак. Умуман, Эски шаҳар ҳудудида ҳаммаёқин асфальт-бетон билан қоплашга эмас, балки яшил майдончалар, кўкаламзор хиёбонлар, фавворалар барпо этишга кўпроқ аҳамият бериш даркор.

Бу улкан қурилишлар, аввало, Эски шаҳар аҳлининг манфаати учун амалга оширилаётгани, сабабли, бу ҳақда кенг жамоатчиликка батафсил маълумот бериш, шу ерда яшайдиган одамлар билан маслаҳатлашган ҳолда иш олиб боришмоқда. Таъбиийки, маҳалла оқсоқоллари, жамоатчилик вакиллари ушбу бунёдкорлик ҳаракатларини мамнуният билан қўллаб-қувватлашмоқда.

Шу ўринда Эски шаҳарни реконструкция қилиш масаласига давлат бюджетидан катта миқдорда маблаг ажратилаётганини эслатиб ўтиш ўринлидир. Хусусан, биргина **2004 йилнинг ўзида бу мақсадлар учун 8 миллиард сўм сарфланди**. Лойиҳага асосан жорий йилда Эски Жўва атрофидаги йўлларни қайта таъмирлаш, кенгайтириш, шу орқали транспорт воситалари ҳаракатини яхшилашга эришиш, Чорсу бозорининг умумий ҳолатини давр талаблари даражасига кўтариш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қиладиган янги-янги маданий-маиший иншоотларни барпо этиш режалаштирилган. **2005 йилда бу ердаги қурилиш ва ободончилик ишлари учун 15 миллиард сўм маблаг ажратилган.**

Пойтахтимизнинг бугунги гўзал қиёфасига қараб, истиқлолимизнинг буюк қудратига ана бир бор амин бўламиз. Тақдирини ўз қўлига олган, озошлик наҳидасини сураётган халқ нималарга қодир экани мана шу улкан ўзгариш ва янгилишлар мисолида ана бир бор яққол намоён бўлмоқда.

Ҳа, Эски шаҳар, хусусан, Эски Жўвани қайта тиклаш ва обод қилиш ишлари кизгин давом этмоқда. Насиб этса, хали бу мавзуга яна қайтиб, сиз азизлар билан сўхбатлашиш ниятимиз бор.

Вақти-соати келиб, азим пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилган беқеёс ўзгаришлар тилларда дoston бўлади. Эски шаҳарнинг янги тарихи Бунёдкорлик солномасининг зарҳал саҳифаларини ташкил этади. Зеро, Юртбошимиз: **«Бугунги қеҳираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни Мустақиллик, Озодлик, Хуррият тарихи деб ёззозу хурмат билан эслашлари мумкин»**, деб халқимизнинг дилидаги гапни топил айтган.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
(«Халқ сўзи», 23 февраль)

Шарқ дурдоналари



● Маъмур ўз даврида машхур бўлган бир олимдан илтимос қилиб: «Бир-икки оғиз фойдали сўз айтсангиз токи ундан кўпчилик манфаат топсин!» — деди. Олим унга қуйидагиларни айтди: «Киши учун энг фойдали хислат — ғазаб келганда ўзини босиб, сукут сақлаб жим туриш, ғазаб босилгандан кейингина фикр ва мулоҳаза билан гапириш. Жаҳлинг чиққанда ўзингни бос, бировга фойда келтирмайдиган ва дилни огри-тадиган сўзларни гапирма, топишинга қараб ҳарж қил, қиримдан ортиқ чўким қилсанг ўзгаларга муҳтож бўлиб қолсан, ўзингга наф келтириб, бировга зарар келтирадиган фойдадан қоч, ишни қаҳру ғазаб билан эмас, чуқур ўй ва мулоҳаза билан қил. Бировлар ҳақида гапирганигда уларнинг номини ёмонлаб тилга олма. Бир сўзга сир айтса, бу сирни ҳар кимга гапириб юрма. Айбнинг олдинда айтган ва кулфатга қолганинда ҳамроҳ бўлган кишинигина дўст деб бил!»

● Инсоннинг дўсти ва раҳбари — унинг фаҳми ва идрокидир.
● Отадан фарзандга энг хайрли мерос — одоб, ғўзал ақлоқдир.
● Мол-дунёнинг энг хайрлиси — ҳалол меҳнат билан йиғилиб, эзгу ишларга сарф қилинганидир.
● Сукрот ҳақим айтди:
— Ҳикматнинг боши эзгу хулқдир. Кимки хушхулқ бўлса унинг тириклиги хушлик билан ўтади. Одамларнинг кўнгилларига унинг муҳаббати ўрнашади. Ҳар ким ёвуз хулқли бўлса маишати тор бўлади, душмани кўпаяди. Ҳамма ундан нафрат қилади.
● Машхур донишманд Бузург-мехрдан:
— Инсоф нима?—деб сўрадилар.

— Инсоф одамнинг ўзига нима раво кўрса бошқа кишига ҳам шуни раво кўришидир, — деб жавоб берди Бузургмехр.
— Энг яхши одам ким?
— Ақли одам.
— Қандай кишини ақли одам деса бўлади?
— Ақли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.
● Баят:
Кимки хушхулқ доимо бўлғай омон, Яхшилик қилса, сира этмас зиён.

● Инсонни ҳайвондан ажратадиган хоссалардан биринчиси: ақл, одоб, тарбия, сўзлаш қуввати ва тилдир. Инсон ақли, зеҳни билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади. Ақл — инсон роҳатининг мадоридир.
Бир донишманд: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндир, қалбнинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир», деган. Ақл — раъийнинг ҳақиқий ўлчоғи, фикр эса ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввал у ишни ақл каби адолат ўлчоғида ўлчаб, келтирадиган фойда ёки зарарини ўйлаб, сўнгра у ишга ҳаракат қилиши лозимдир. Узи унга тушунмаган бир иш ҳақида шу ишни яхши тушунадиган тажрибатор маслаҳатчини олиш тавсия этилади.
Гўзал хислатлар — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир мажлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлай бермаслик, жоҳил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришлик соғлом ақл олдига ҳар инсон учун қобилият ва саждат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубанликдир.
Инсоннинг чеккан заҳмат ва машаққатига унинг тили ва жаҳли сабаб бўлади. Сукут инсонга саломатлик бағишлайди. Соғлом ақлнинг аломатларидан бири ҳам замоннинг истаганига қараб иш олиб боришдир.

КИЧИК АКАДЕМИЯ

Тошкентнинг сўлим гўшаларидан бири - Ишчилар шаҳрафидда жойлашган бу бино ён-атрофисидаги уйлардан деярли фарқ қилмайди. Унинг кўшни довиллардан фарқи, асосан, девордаги уч лавахда кўринад.

Ўқийми: «Бу уйда 1940-1968 йилларда буюк ўзбек адиби, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек яшаб ижод этган». «Бу уйда 1940-1980 йилларда биринчи ўзбек кимёгар олимаси, Ўзбекистон фан арбоби Зарифа Саидносир кизи яшаган». «Бу уйда 1940-1980 йилларда кимё фанлари доктори, профессор Султонбек Ойбекович Тошмуҳаммадов яшаган».

Бу оҳонадон - икки академик, икки фан доктори ва кўплаб фан номзодларини етиштирган салоҳияти юксак даргоҳ, айтиш мумкинки, ўзига хос «кичик академия».

Муъжазгина ҳовлининг чап томонидаги курсида Ойбек домла ўтирибди. Айнаи кучгайратта тўлган. Тиззасидаги китобга қўлини авайлаб қўйгану нигоҳини бир жойга тиккан. Чехраси очик, завқию шиддати баланд. Гўё ҳозиргина навбатдаги асарига сўнгги нукта қўйгану, ушбу музаффар лаҳзалардан боши осмонда. Мамнун. Сурурли. Хайкалтарош Иван Клиничий адибнинг маҳаббатли киёфасини шундай тасвирлаган.

Ўз вақтида бу ҳовлида не-не буюк зотлар меҳмон бўлмаган дейсиз. Ҳамид Олимжон латиф шеърлар ўқиган, Абдулла Қаҳҳор иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги янгиликлардан сўзлаган, Гафур Ғулум латифалар айтган. Миртемир, Саид Аҳмад, Озод Шарафилдинов эса кунда-кунора Ойбекдан ҳол-аҳвол сўраб турган.

Ойбек домла дарвоза олдига ўз қўллари билан эккан чинор, ҳовлидаги мана бу арча ва чилонжларидан не-не донишмандлар сўхбатларининг гувоҳи бўлган.

«ТўСМАНГ, ЙИГИТ, ЙЎЛИМНИ...»

Музейдаги экспонатлар сони 15 мингдан ошади. Уларнинг орасида сурату ра-смлар кўп. Мана, улардан бири: эски мактаб. Бўйрага тиз чўккан болалар мутулага берилган.

Оддий бўзчининг ўғли Ойбек ҳам Тошкентнинг Оқ маичт маҳалласидаги ана шундай мактабда сабоқ чиқарган. «Янги усул мактаби» деб аталмиш билми масканда, Алишер Навоий номидаги педагогика техникумида, Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ижтимоий фанлар факультетининг иктисод бўлимида ўқиган.

Биринчи шеърий тўплам «Туйғулар» техникумда ўқиб юрганида чоп этилган.

Бўлғуси адиб аълочи қиз - Зарифани ҳам илк бор ўша ерда — техникумда — учратган. Бир умрга унга кўнгил қўйган, дастлабки ва кейинги ақсарият шеърларини ҳам унга бағишлаган. Севгининг дардида изтироблар чекиб, оташин мактублар битган:

Севгилим, хаёлинг мангу боғлади,

Шу ўқиск кўнглимга нега боқмадинг?..

Машхуқасидан мана бундай хаяжонли жавоблар олган:

Тўсманг, йигит, йўлими,

мен уяламан,

Ушламангиз қўлими,

мен уяламан.

Буюк зотларнинг ортида одатда буюк аёллар туради, дейдилар. Бу ҳикматга шубҳа билдирадиганлар бўлса, Ойбек билан Зарифа Саидносированинг ибратли ҳаёти тарихига назар солсин, деган бўлардик...

БИРИНЧИ «ЎРИМ»

Адиб ҳаётининг энг машаққатли ва энг фараҳли даври ўтган асрининг 30-йилларига тўғри келган.

«Сталин замонида жамият гуллари бўлган зиёлилар ўқтин-ўқтин, беда ўрилгани каби қирқилиб, каллақлиби турлар эди», — деб ёзади адибнинг рафикаси «Ойбегим менинг» китобида.

37-йилда бошланган биринчи «ўрим» халқимизнинг кўплаб зиёлилари каби Ойбекни ҳам четлаб ўтмайди. Истеъдодли ёш шоир, ёзувчи ва олим «халқ душмани» сифатида тил ва адабиёт инсти-тутидан ишдан ҳайдалиб, Ўзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқарилади. Газета-журналлар, на-шриётлар асарларини босмай

Бугун бу машхур асарни ўқийётганимизда унинг не азобда дунёга келганини ҳам эслаб қўйинг, азиз ўқувчи.

АДИБНИНГ ҲАЗИНАСИ

«Навобий» унга катта шухрат келтиради. Академикга сайланади. Мукофотлар олади. Депутат бўлади. Роман кетма-кет бошқа тилларда ҳам чоп этила бошлайди. Ўзувчилар уюшмасига раис этиб тайинланади. Аммо, муста-бид тузумнинг «ўзига хослиги» шундаки, у миллат гуллари - етуқ кадрларни бир қўли билан қутариб, иккинчиси билан ерга уради. Миллатнинг кўзи очилишидан, уйғонишидан қўрқад.

Адиб ҳаётининг сўнгги йилла-

минг уринмасинлар, ўнг қўлига қайта дармон эзмаган.

Адибнинг орзулари мўл бўлган. Аммо мустабид тузум унинг ил-ҳомига чанг солди, икка қаламини синдирди. Буни Ойбекнинг тугал-ланмай қолган ёки режалаштирган асарларининг номлари ҳам айтиб турибди: «Темур», «Бобур», «Жадидлар».

О башар, ҳақ сўзидир тарихнинг сўзи- Бир одам титратди жаҳонни ўзи!

Унинг соҳибқирон Амир Те-мур ҳақидаги достони ана шун-дай сатрлар билан бошланади. Ойбек ҳазрат Алишер Навоий ҳақида бўлгани каби, Соҳибқирон тўғрисида ҳам аввал дост-тон, сўнгра роман битмокни ният қилган. Бирок қадим тарих қаъридан мар-шаққат билан толган мар-варидлари — ҳақ сўзни охиригача айтишга ул-ғурмади. Ўн етти йилга чўзилган хасталик имкон бермади.

Ўзувчидан нима қо-лади? Китоблар, қўлёз-ма-лар, солиҳ фарзандлар... Музей экспонатларининг асосий қисми китоблардан иборат. Улар орасида қадимий қўлёзмалардан то яқинда Чин юртида хитой тилида чоп этилган «Наво-ий» романигача бор. Кўплаб илмий, адабий ва бадиий тадқиқотлар учун катта манба. Улуғ ҳазина.

ОЙБЕК ВА ИСТИҚЛОЛ

«Ватан ва унинг сало-матлиги учун ҳар бир жон ҳар лаҳза ўзини қурбон қилмоққа ҳозир турмоғи керак», — дейди Ойбек ўз романида Навоий тили-дан. Эл-юрт озодлиги ва ободлиги адибнинг бир умрлик орзуси, асарларининг бош мавзуси бўлган.

Музей тўридаги муҳташам зал адибнинг ана шу армони — Ой-бек ва истиқлол мавзусидан ҳикоя қилади. Адибнинг 100 йил-лик тўйи арафасида унда янги экспозиция очилди.
— Мустақиллик йилларида Ойбек ҳаёти ва фаолиятини, у қолдирган улкан адабий, илмий ва маънавий меросни тадқиқ ва тарғиб этишга эътибор қуцай-ди, — дейди Г.Шокирова. — Президентимиз Ислом Қари-мовнинг 2000 йил 25 августда-ги Фармонида биноан адиб Ва-танимизнинг юксак нишони — «Буюк хизматлари учун» орде-ни билан тақдирланди. Бугун ушбу орден музейимизни безаб турибди.

Давлатимиз раҳбари таша-буси билан 2004 йил 21 декаб-рда Вазирлар Маҳкамасининг «Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ой-бек таваллудининг 100 йилли-гини нишонлаш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши эса атоқли ёзувчининг порлоқ хотирасига юксак эҳтиром ифо-дасидир.

Мазкур ҳужжатда юбилей му-носабати билан амалга ошири-ладиган кенг қўламли ишлар, жумладан, музей биносини таъ-мирлаш, ундаги экспонатлар-ни янгилаш, илмий-амалий ан-жуманлар ўтказиш каби кўплаб хайрли тадбирлар кўзда тутил-ган. Музейда бу қутлуғ санага тай-ёгарлик ишлари бошлаб борибди.

Ҳар қандай буюклик замири-да буюк самимият, беғубор сод-далик мумкин бўлади, дейишди. Ойбек ҳаёти ва ижоди бунга ёрқин мисол.

Адибнинг уй-музейи зиёрати-да бўлган ёҳуд унинг асарлари-ни мутулаа қилган киши бунга яна бир ишонч ҳосил қилишга — қалби ойбекхона самимиятга ошно тутинишига шубҳа йўқ.

Кулман ОЧИЛОВ (ЎЗА)

Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдига

АСРЛАР ҚАЪРИДАН ДУР ҚИДИРИБ... АДИБ УЙ-МУЗЕЙИДАН РЕПОРТАЖ



қўяди. Оиласи, фарзандлари би-лан уйсиз-хойсиз қолади. Боз устига, ўша пайтда очарчилик бош-ланган эди.

Адиб, ўзини ҳали олдинда не синовлар кутаётганидан бехабар, буткул ижодга берилди. «Берилиб ёзади, ижод суруридан маст бўлиб ёзади».

Мунаққидлар зикр этганлари-дек, «асрлар қаъридан дур қиди-ради» — «Навобий» романини ярат-моққа киришади:

«Кўшлар тили» пири - юракда тилак, Излаймен марварид - қўлимда элак.

Ойбек уй-музейида бўлган киши ундаги кичик ҳужрани қизи-қиб томоша қилиши тайин. Атро-фига беҳасам кўрпачалар тўша-либ, болиш қўйилган хонтахта ус-тида оддий мойчирик турибди. Миллий адабиётимиздаги энг буюк тарихий роман — «Навобий» асари ана шу хонтахтада, хира чироқ ёруғида битилган. Араб алифбосида битилган роман қўлёзмасини варақлаш асосида, хаёлга шундай ўй келади: Ойбек-дан тўрт ярим аср муқаддам яша-ган улуғ бобомиз Алишер Наво-ий ҳам ўз «Ҳамса»-сини шундай хонтахта, шамчироқ шуъласида яратган бўлса, не ажаб.

Ойбек — метин ирода соҳиб. У бошига неки кулфат, адолат-сизлик ва азоблар тушмасин, бар-часига бардош берган. Унинг умри чидам, сабр ва саботдан йўрилгандек гўё. Асарларида, эзиб қолдирган хотираларида, мактубларида бирор сатр бўлсин, зорланиши, шиква-шиқоятни уч-ратмайсиз.

«Инсон ҳар қандай қийинчи-ликни кўтарар экан, — деб ёзади Зарифахоним. — Ойлар, йиллар ўтса ҳам, ҳаёт яхшиланиш ўрни-га тобора оғирлашиб борарди. Очликдан ўзимсиз ҳам, болалари-миз ҳам ўлмаслик учун нима-лар қилмадик... Ойбек ана шун-дай мушкул шариқта «Навобий» романини ёзиб тугатди».

рени ҳовли тўридаги қўшқават уйда ўтказган. Уй 1958 йилда — Ойбекнинг бошига тушган иккин-чи «ўрим»дан кейин қурилган.

50-йилларнинг бошларида Ойбек яна ишдан олинди. Мат-буот орқали унга қарши катта, сурункали тўхмат тошлари ёғи-лади. Уни яна миллатчиликда, На-вобий тимсолида феодализмни идеаллаштиришда айблашади. Иккинчи «ўрим»нинг оқибати жуда аянчли кечадди. Маломатлар таъ-сирида адиб оғир хасталикка ча-линиб, тилдан қолади:

Хастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб —

Ой менга ҳамқадам-сокин юрамен. Соғайсам бир кун ёза мен тўйиб,

Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.

Зарифа Саидносирова лойи-ҳаси асосида қурилган янги уй-нинг биринчи қаватида ижод-хона ва ётоқхона, иккинчисида эса кутубхона жойлашган. Ора-дан салкам ярим аср ўтган бўл-са-да, манзара деярли ўзгарма-ган: останадаги илгак-да адибнинг бош қийми бил-лан хассаси осиглик турибди. Гўё Ойбек ҳозиргина сайрдан қайтган.

Шинамгина ижодхонада орти-қа буюм йўқ. Кенг стол устида дўппи, очик турган қадимий қўлёзма ўртасидаги ручка кўзга ташланади. Сал нарида — оппоқ қоғозлар.

Одмирок стул тийиб бурилган: гўё мутулаадан толиққан Ойбек ҳозиргина ўрнидан тургану ҳовли-га чиққан.

Хонадаги узун қилич ва резина копток ҳам эътиборни тортмас-дан қолмайди.

— Ойбек домла инсултга ча-лингач, ҳассаса суяниб юришни, ёғоч қилич билан қўлини ҳаракат-га келтиришни машқ қилганлар, — деб изоҳ беради Гилчара Шо-кирова — музейнинг катта илмий ходими. — Копток эса бармоқ-лари учун тавсия этилган. Лекин,

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Халқ амалий санъати усталари ва ёш ҳунармандларнинг республика кўрғазмаси очилди. У Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика «Хунарманд» уюшмаси, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси каби ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўрғазма ёшларни устоз ҳунармандлар тажрибасидан баҳраманд этиш, ёш истеъоддорларни аниқлаш ва рағбатлантириш, «устоз шогирд» аёнчаларини янада жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ундан ёғоч ўймакорлиги, миниатюра санъати, каштачилик, заргарлик, наққошлик, тўқимачилик, зардўзлик, кулолчилик, гиламдўзлик каби йўналишлар бўйича фаолият кўрсатаётган юздан зиёд ёш ҳунарманднинг ижод намуналари ўрин олган.

«Оила» илмий-амалий марказида Республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда Сихат-саломатлик йилига бағишлаб ўтказилган семинар ана шундай номланди.

«ОИЛА ВА САЛОМАТЛИК ФАЛСАФАСИ»

Марказ директори В.Каримова мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Исом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг бош мақсади инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини таъкидлади. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниб, бу борада давлат дастурининг қабул этилгани замирида ҳам ушбу эзгу мақсад муҳасаса.

Бу дастур халқимиз соғлигини мустаҳкамлашга дахлдор барча давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий

муассасалар зиммасига катта масъулият юклайди. Улар аҳолининг барча қатламлари, аниққса, ёш авлод онгида ўз саломатлиги учун қайғуриш ҳиссини уйғотиш, соғлом турмуш тарзи фалсафасини сингдиришга ҳиссасини қўшиши лозим.

Маълумки, соғлом турмуш тарзининг шаклланишида оиладаги маънавий-руҳий муҳит катта ўрин тутди. Семинарда бу борада маҳаллалар ва хотин-қизлар кўмиталари, тегишли жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик яхши самара бериши таъкидланди.

ЎЗА

Мунажжам башорати

БУГУН ОМАДИНГИЗ КЕЛАДИ

25 феврал, жума

Тўлин Ой кунларидан бири бўлган бугунги куннинг рамзи катпар бўлиб, у адолат, тенг ҳуқуқлик ҳамда руҳий ва жисмоний уйғунлик билан белгиланади. Барча жисмоний машқлар бугун манфаатли бўлади. Уйғунликнинг ҳар қандай бузилиши нохуш ҳолатларга олиб келади.

Шовкин-суронлар, ҳар қандай бебош ҳаракатлар бугун истисно қилиниши керак. Осойишталикка рияз қилиб, қўнғил оромини бирон-бир тарафда бузмасликка интилинг. Айни пайтда ҳар бир нарсасда метёрга рияз қилинг.

Бугунги кун шунингдек хурсандчилик, мураббат ва ижодий кўтариңчилик кўни ҳамдир. Ўзингизни эркин тутинг, кўпроқ дам олинг, зўриқиб, ҳориб-чарчаётган тийилдинг. Яхшиси, бугун янги буюмлар харид қилмаганингиз маъкул – зеро, улар тез тўзиб кетади. Танҳолик, зерикиш, тушкунликка тушиш мумкин эмас. Бугун соч олдириш, косметик муолажалар билан шугулланиш, терини тозалаш кайфиятиңизни яхшилайдди.

Сариқ маъдандан ясалган буюмни топиб олиш бугун яхшиликка ишора деб ҳисобланади. Мабодо, тугмангизни ёки кийимларингиздан бирон нарса ни йўқотсангиз – хафа бўлмаң, chunkи бу билан сиз ўзингизга керак бўлмаган ортиқча нарсалардан қўтуласиз. Сув билан боғлиқ барча аломатлар зарар ва моддий қийинчиликларга ишора ҳисобланади.

Кўш кўтарилгандан кейин кўрилган тушларнинг аҳамияти йўқ. Лекин тушда оқ рангни кўриш яхшилик аломати.

Бугун ошқозон-иқек йўли заифлашган бўлади. Шунинг учун оғир ва дағал таомлардан ўзингизни тортиңг. Қийинчида ёркин, оҳарган ранглар бугунги кун маромига уйғун бўлади, қора ҳамда қизил, қолгун ранглардан нарийроқ бўлган маъкул.

ЖУМА МАСЛАҲАТЛАРИ:

- Ўйлаб юрган муҳим ишни бошлаб юбориш;
- майда-чўйдалар, совға-саломлар ва нархи арзонлаштирилган нарсаларни харид қилиш;
- ўзингизга керакли ахборотни ҳар қандай йўл билан қўлга киритиш, мустақил суриштирув ўтказиш;
- болалар, кичик ўка-сингилларнинг фикрларига қулоқ тутиш (булар билдирган фикрлар фойдали бўлиши мумкин);
- бирйўла бир нечта иш билан шугулланиш тавсия этилади.

Чарчоғингизни «чиқариш учун» спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, шифокорлардан сўрамай, қўли тасыр этвчи оғриқни қолдирадиган ва тинчлантирадиган дориларни истеъмол қилиш ман этилади.

Беланги нохуш дард эканлигини барча билади. Беланги хуружи тутиб қолса, гоҳо беморни акашқ қилиб, қимирлатмай қўяди. Аксарият ҳолларда бундай дардларга сабабчи беморнинг ўзи бўлади.

Беланги тиб атамаси билан номланадиган бўлса, радикулит (лотинча radicula — илдишча) — орқа миянинг асаб илдишлари ва улардан кетадиган асаб толлари касаллиги ҳисобланади. Шохлама нерв тизимининг кенг тарқалган касаллиги. Аксарият одамнинг умуртқа поғонаси хасталиги — остеохондроз беланги сабабчи бўлади. Бу дардда қайшиқоқлик вазифасини бажарадиган (амортизацияловчи) умурткалараро дискллар эгилювчанлигини йўқотиб мўрт бўлиб қолади. Лаппаги ўзгарган умурткаларнинг бириккан жойларида туз йиғилиб, суяк ўсиши кузатилади. Бўртиб чиққан суяк ўсиқчалари умуртқа орасидан ўтадиган асаб илдишчаларини қисийи натижасида кучли оғриқ содир бўлади. Беланги дарди узоқ вақт мобайнида совуқда қолиш, жумладан миروبлик қилишда, паҳса уришда, зах жойларда қўним топишда, муздек сувда чўмилиш ёҳуд юзенишда, аъзолар захарланганда, юкумли касалликлар билан оғриганида, жароҳатланиш натижасида содир бўлиши ҳам мумкин. Агар бел шохлама нерви илдишчалари асоратланса, бу хасталик бел-думғаза белангиси ёҳуд «ишиас» деб аталади. Радику-

литнинг бир нечта кўринишлари мавжуд. Одатда бундай дардга йўлиққанларни невропатолог-шифокор даволайди. Шифокор беморни атрофича ўрганиб чиққандан сўнг, у ёки бу даво-муолажа тад-

• Уй-хонадонда ўстириладиган сабирўт (алоийнинг 3-5 йиллигининг баргларидаан 375 грамм олиб гўшт майдалагичдан ўтказилади-да, унинг устига май ойи асалидан 625 грамм миқдори-

• Ерқалампир (хрен)нинг сархил илдишларини кирғичдан ўтказиб, бўтқа холгада келтириб, белнинг оғриган жойини иссиққа тоблаб суртиладиган бўлса, оғриқлар хуружга хотима беради. Ана шундай амал қўлланиладиган бўлса, бўғим оғриқлари, шунингдек, мушак шамоллашда фойда бермай қўймайди.

• Уйда мавжуд бўладиган аччиқ гаримдоридан («Кўчқор шох», «Фил хартуми» каби) 2 дона майдаланиб, унинг устига 300 грамм новшадил спирти қуйилиб, 2 хафта давомида қоронги жойда сақланади. Тиндирма туриш жараёнида силкитиб аралаштириб турилади. Тиндирма бирор лахтакка шимдирилиб, беланги азоб бераётган жойга пастанд юқорига қараб суртилади. Бундай муолажа бод ҳамда шолга ҳам маълум даражада ёрдам беради.

• Қиздирилиб, халтачага солинган зигир уруғлари (дорихоналарда «Семена льна» номи билан урилади) бозиллатма сифатида белга кечкурун қўйиб ётилса, беланги асорати эмлик қилганини кўрасиз.

• Ўлкамизда учраб турадиган қариқиз (лопух) барглари-нинг ости тарафини оғрикли жойларга қўйилиб, устидан ёғлиқ қоғоз тўшалиб жун рўмол билан боғлаб қўйилса, беланги азобига хотима берилади.

Маннон НАБИЕВ доришунос

Халқ таъоботи

БЕЛ ОҒРИФИГА ШИФО УСУЛЛАР

Одамнинг беланги (радикулит) бўлишида нечоғлиқ оғриқ тутишини таъриф этиш қийин. Беланги нафақат беморнинг қаддини ростлашишга йўл қўймайди, балки бирор фойдали меҳнат билан шугулланишга ҳам имкон бермайди. Биз куйида беозорлиги билан ажралиб турадиган беланги дардига эм бўладиган халқ амаллари хусусида маълумотлар келтираимиз.

бирларини белгилайди. Оғир ҳолларда жарроҳлик амалларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Куйида биз беланги хасталигида халқ таъоботи амалларидан шифокор тавсияси билан фойдаланиш йўллари хусусида тўхталамиз.

• Табиий ҳолда тоғларимиз қўйнида ўсадиган тоғ жамбил ўтининг қуритилиб майдаланганидан («Трава чабреца» — дорихона ва гиёҳхоналар бисотида бўлади) 15 грамм олиб, 200 грамм қайноқ сувда дамланади. Дамлама шарбатидан кунига 1 ош қошиқдан 3 марта ичилади. Дамламадан ажратиб олинган турупи эса бирор лахтакка ўраб оғриётган жойларга босилади.

да қўшилади, шунингдек, илочи бўлса қизил шароб (яхшииси «Кагор» виноси) қуйилиб, обдон аралаштирилади-да, қоронғу жойда 5 кун сақланади.

Дамлама тайёр бўлгач, аралашма шарбатидан 5 кун давомида 1 чой қошиқдан 3 марта, овқатланишдан бир соат олдин ичиб турилади, кейинги кунларда эса 1 ош қошиқдан 3 марта овқатланишдан бир соат олдин ичилади. Даволаниш курси хафтадан бир ярим ой мобайнида олиб борилади.

• Маълумотларга қараганда, туя ёки ит терисидан ясалган белбоғни боғлаб юриш беланги азобидан ҳоли этади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 29 март 1,5,8,12,15,19,22,26,29 апрель кунлари танлов савдоларини ўтказилади

Танлов савдосига Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Дадабоев кўчаси, 64-уйда жойлашган Тошкент 10-сонли автомобил таъмирлаш корхонасига қарашли майдони 3 244 кв.метрга тенг бўлган бир қаватли «Автобус цехи» бисноси 21 364 602 сўм ёки 20 193 АҚШ доллари бошлангич нарх билан қўйилади.

1. Бинони замон талабларига мос ҳолда таъмирдан қилиш.
2. Бинони замонавий асбоб-ускуна, техника ва технологиялар ҳамда бошқа зарур ашёлар билан жиҳозлаш.
3. Янги иш жойлари ташкил этиш.
4. Бинони ёнгин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган холга келтириш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
5. Бир йил муддат ичида инвестиция киритиш. Минимал инвестиция миқдори 40 000 000 сўм.

6. Сотиб олиш нархи ва тўлов бўйича тақлифлар.
Танлов савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Талабгорлар ариза ва тўлов қоғозига қўшимча тарзда конвертга муҳрланган танлов шартлари бўйича ўз тақлифларини (Бизнес-режани) тақдим қиладилар. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошлангич нархидан 10% миқдоридида закалат пулини «ROYTAXT AUKSION» ДУКнинг «Уй-жойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги, ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 х/р тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А-уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-02-49; 133-23-40.

«ROYTAXT AUKSION» ДУК томонидан 2005 йилнинг 4,11 феврал кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қуйидаги объектлар сотилганилигини маълум қилди:

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги яқна тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаси ва ме-

рос қилиб қолдирилган умрбод эғалик ҳуқуқи:

Аҳмад Икромов тумани, «Ўржзор» даҳаси, Зарафшон кўчасида жойлашган, майдони 0,04 га, дан бўлган 1,2-сонли ер участкалари, ҳар бири 880 000 сўмдан; ҳамда 3-сонли ер участкаси, 930 000 сўмга;

Яқкасарой тумани, Авлоний кўчасида жойлашган, майдони 0,04 га бўлган 1,2-сонли ер участкалари, ҳар бири 1 900 000 сўмдан;

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:

М.Улуғбек тумани, Т.Малик кўчасида жойлашган, сатхи 0,05га бўлган авто ювиш шохобчаси қуриш учун мўлжалланган ер участкаси, 37 000 000 сўмга; Сергели тумани, 7 ва 8 мавзелар оралиғи, Алавия кўчасида жойлашган, сатхи 0,015га бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкаси, 3 100 000 сўмга;

Шунингдек «Марказий» комбинатининг давлат рақами 10AW 093 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, 3 200 000 сўмга сотилди.



«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»

республика бирлашмаси
Тошкентбой Эгамбердиев номидаги
Тошкент Давлат цирки

2005 йил 18 мартдан

Диққат! Диққат!

КУТИЛМАГАН ВОКЕА Тошкент Давлат циркида ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ транзит йўли асосида жаҳонда ягона РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ 18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор. Жума, шанба, якшанбада

Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз Келганингиздан афсусланмайсиз!!! Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун бюртмалар қабул қилинмокда. Чипталар цирк кассаларида сотилмокда. Ҳақ турли шаклда тўлиниши мумкин. Касса эртаклаби соат 9.00 дан охира. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Спорт

**ОМАД
ТИЛАЙМИЗ**

Юртимиздаги барча спорт мухлислари шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқаро гротсмейстер Рустам Қосимжоновнинг ҳар бир турнирдаги иштирокини орзиқиб кутишади.

Кеча Испаниянинг Линарес шаҳрида юқори тоифали аънавий супертурнир бошланди. Ушбу мусобақанинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда жаҳондаги энг кучли шахматчилар — рейтинг бўйича юқоридан ўрин олган халқаро гротсмейстерлар иштирок этади. Кувонарли томони шундаки, Линаресдаги супертурнирда юрдошимиз Рустам Қосимжонов ҳам дона сурмоқда. Бундан ташқари, мазкур мусобақада мухлислар Веселин Топалов, Гарри Каспаров, Вашванатан Ананд каби улкан шахмат юлдузларининг бетакор маҳоратидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

**ТАЛАБА
ҚИЗЛАР
БЕЛЛАШДИ**

Республика Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Сихат-саломатлик йилида яна бир хайрли ишга қўл уришди — олий ўқув юрталарида тахсил олаётган талаба-қизлар иштирокида спорт ҳафталигини ташкил этишди.

Баскетбол, волейбол, стол тенниси, шахмат каби спортнинг туртта турини бўйича уюштирилган мусобақаларнинг дастлабки икки босқичи барча вилоятлар олий таълим муассасалари ҳамда ўқув юрталарининг спорт клублари ўртасида ўтказилди.

Мусобақаларнинг шахримизда бўлиб ўтган иккинчи босқич натижалари спорт талабалар ўртасида энг кўп ривожланган олий ўқув юрталарининг сараланишига имкон яратди. Шунини таъкидлаш керакки, ҳамма спорт турларини оладиган бўлсақ, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси пешқадам эканлигини кўрсатди. Хусусан, баскетбол ва волейбол бўйича ўтказилган мусобақаларда ушбу олий ўқув юрти спортчи-талабалари ғолиб чиқишдан бўлса, шахмат турнирида иккинчи ўринни эгаллашди. Мазкур олий ўқув юртидан ташқари, Тошкент Давлат техника университети Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат иқтисодий университети ҳамда 2-Тошкент тиббиёт институти жамоалари ҳам март ойида Бухоро, Самарқанд, Наманган ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтаётган ҳал қилувчи учинчи босқичда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

Саломатлик

**МАШҒУЛОТЛАР ҚИЗГИН
ЎТМОҚДА**

Кейинги йилларда шахримизда саломатликни мустаҳкамлашга, кишини тетик ва алп қоматли этишга йўналтирилган кўплаб клублар самарали фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти қошида фаолият кўрсатаётган фитнес ва бодибилдинг спорт мактаби ҳам шундай фойдали саломатлик масканлари




қаторига киради. Ушбу мактаб машғулотларига тажрибали мутахассис Сергей Ненашев бош-қош бўлиб, унда кичик ёшда-

гилар, ўсмирлар ва катталар гуруҳлари каби учта гуруҳ мавжуд.

Ҳар бир гуруҳда ўнга яқин киши шугулланиб, мураббийларнинг машғулот ўтказишлари, сабоқ беришлари учун бу жуда қулайдир. Мактаб қошида бодибилдинг, фитнес заллари, сауна ва сув ҳавзаси, уқалаш хоналари мавжуд. Машғулотлар залларида ва сув ҳавзасида олиб борилади.

Шунини таъкидлаш керакки, ўз саломатлигини мустаҳкамлаб, алп қоматга эга бўлиш мақсадида ташриф буюрувчи кишилар дастлаб шифокор текширувидан ўтиб, унинг маслаҳатларига амал қилади. Жумладан, турли хасталикларга ташхис қўйиш учун велоэрометр ва бошқа воситалардан фойдаланилади.

Шундан сўнг шифокор мактабда шугул-



ланишни истовчи шахсни йўриқчига юбори ва унинг учун яқка тартибдаги дастур ишлаб чиқилиб, машғулотларда қатнашиш йўналишлари белгиланади. Масалан, таянч-ҳаракат аъзолари шикастланганларга бошқа, юрак-қон томир хасталикларига чалинганларга ўзгача йўналишлар белгиланади.

Соғломлаштириш машғулотларининг самарали ўтишида Александра Ненашева ва Ильдор Бакиров каби мутахассис-мураббийларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: фитнес ва бодибилдинг спорт мактабининг машғулотлари доимо мана шундай қизиқарли ўтади.

Алексей Попов олган суратлар.

Шахмат

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Аргентиналик машҳур адиб ва файласуф аллома Хорхе Луис Борхес "Шахмат — инсоният ақлу заковатининг буюк маҳсули. Инсонлар ундан ўзларига етарли ҳаётий куч ахтардилар", деб ёзган эди. Мана орадан қанча вақтлар ўтган эса-да, бу ҳақиқатнинг ҳаётий қирралари кўзга тобора кўпроқ ташланиб бормоқда. Хусусан, республикамизда мустақилликка эришган даврларданок спортнинг шахмат турини оммалаштириш, унинг ёшлар камолотидаги ижобий жиҳатларини кенгроқ юзага чиқариш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган республика шахмат федерацияси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳисобот йиғилишида ҳам шахримизда шу спорт турини ривожлантириш юзасидан қилинаётган ишлар хусусида атраофчилик фикрлар алмашинди. Тадбири ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ҳам ўтган йиллар мобайнида юртимизда "ақл гимнастикаси"нинг турли табақа, ёшунгекса, турфа касб эгалари ўртасида қанчалик оммавийлашиб бораётгани, пойтахтимиздаги мавжуд спорт мактабларида етишиб чиқаётган ёш шахмат усталари эришаётган ютуқлар кўламидан кенгайтириш, соҳадаги мавжуд муаммолар ечимини атраофли-

ча таҳлил чиғирғидан ўтказиш эди. Унда шаҳар шахмат бўлими мутахассислари, кўп йиллардан бери ёш спортчиларни шахмат сирларидан воқиф этиб келаётган мураббийлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Айтиш жоизки, ўтган "Меҳр ва мурувват йили" мамлакатимиз спорт тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак йил сифатида мангу муҳрланиб қолди. Ҳамюртимиз, халқаро гротсмейстер Рустам Қосимжонов Ливия пойтахти Триполи шаҳрида жаҳон шахмат тожини кўлга киритди. Бугун ҳар бир ўзбек фарзанди эришилган ана шу буюк ғалабадан ҳақли равишда гурурланса арзийди. Этант, Миржалол Қоси-

мов сингари футболчиларни, Руфат Рисқиевдай боксчиларни етиштириб чиқарган Ватанимиз яна қанчалаб истеъдодли спортчиларга эга эканлигини дунё тан олди. Анжуман деб бочасида ана шу унутилмас муваффақият айрича бир эхтиром руҳида тилга олинди.

Шундан сўнг иштирокчилар Тошкент шаҳар шахмат бўлими раиси Хайриддин Рафиқовнинг 2003-2004 йиллар мобайнида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот маърузасини тингладилар. Унда таъкидланганидек, ўтган икки-уч йиллик давр пойтахт шахматчилари учун жиддий синнов ва ютуқлар йили бўлди. Бир қанча иқтидорли шахматчилар кашф этилди. Бугун шаҳар шахмат шохсупа-

сида ўз ўринларига эга бўлган Антон Флиппов, Вера Долженкова, Алексей Яшин, Темур Гареев, Лида Малиниева ҳамда Оля Кузнецоваларнинг эришаётган ютуқлари устоз-мураббийларнинг самарали меҳнатлари натижасидир. Шу маънода, йиғилишда бир қанча мураббийлар шахматга ҳам иллик сўзлар айтилди.

Йиғилишда танқидий мулоҳазалар ҳам ўртага ташланди.

— Ҳозирда кўпгина мураббийларимиз нафақа ёшидалар, — деди жумладан тадбирда сўз олган шахмат мураббийси Тўлқин Қўнонов. — Афсуски, ёшларимиз орасида устозлари ўрнини босадиган иқтидорли мураббийлар етишиб чиқиши кийин кечмоқда. Агар "От изини той босар" деган ибратли нақлимизни ёлга оладиган бўлсақ, бу борада жиддийроқ ўйлаб қуришга тўри келади.

Бундан ташқари тадбирда ушбу соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатаётган бошқа жиҳатлар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Кўрсатиб ўтилган қамчиликлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хушнўн АЛИЕВ

Қураш

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбек қурашининг барча қитъаларида, хусусан Европада жадал ривожланиши миллий спорт турнимиз тантанаси сифатида ҳар бир юрдошимизнинг кўнглида гурур ва фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Европа кураш конфедерацияси ижроия кўмитасининг навбатдаги йиғилиши ўтказилиб, унда муҳим қарорлар қабул қилингани ҳам фикримиз далилидир.

Европа кураш конфедерацияси ижроия кўмитаси аъзолари, ушбу қитъада мавжуд барча миллий кураш федерациялари вакиллари иштирокида ўтказилган анжуманда муҳим масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, ўзбек қурашини Европа қитъасида келгусида янада ривожлантириш йўллари, Европа кураш конфедераци-

ясига аъзо мамлакатлар сонини кўпайтириш, ҳар хил ёш тоифаларида қитъа чемпионатлари ўтказиладиган мамлакатларни белгилаш шулар жумласидандир.

Йиғилишда Европа кураш конфедерацияси ижроия кўмитаси раҳбарияти таркибига ўзгаришлар киритилди.

Шундай қилиб катталар ўртасидаги Европа чемпионатини ноябрь ойида Польшада, ёшлар иштирокида қитъа чемпионатини эса октябрь ойида Туркияда ўтказилиши белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

Аҳройиботлар оламида

ЭНГ ОФИР ҚУШ

Апидис кондор деб аталмиш қуш барча қушлар орасида энг улкани бўлиб, унинг оғирлиги 9-12 килограмм. У қанотларини ёзганида, узунлиги 3 метрга бориб, Гиннсининг "Рекордлар китоби"га киритилган.

УЗУН ПАТЛИ ҚУШ

Қунчиқар Япония мамлакатида Феникс қуши бўлиб, ҳамма японлар малла ранг товуқ деб ҳам аташади. Хўрозининг думи, патлари билан мутахассислар томонидан 1972 йил кузида ўлчанганда узунлиги 10,6 метрни ташкил этиб, 1999 йил Гиннсининг "Рекордлар китоби"га киритилган.

**КАТТА ҚАДАМЛИ
ПАРРАНДА**

Биолог мутахассислар қушлар, ҳайвонларнинг қадами катта-кичиклигини кузатишганида, ваҳший ҳайвонлар ҳужум қилган пайтда, туяқушнинг қадами оралиги 7 метр бўлиб, тезлиги эса 72 км-соатни ташкил этгани учун ҳам Гиннсининг 1999 йил чоп этилган "Рекордлар китоби"га киритилган.



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
2812 нускада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриет етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг имконияти мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.